

## **ЎЗБЕК ВА ЯПОН МАҚОЛЛАРИДА ИМПЕРАТИВЛИКНИНГ ВОҚЕЛАНИШ УСУЛЛАРИ**

**О.Ф. Ачилова**

*СамДЧТИ ўқитувчиси*

Маълумки, мақоллар структур жihatдан тугалланган жумлалар ва иборалардан таркиб топади. Шу сабабли ҳам улар конструктив, семантик ва коммуникатив хусусиятлар билан ажралиб туриш ҳолатлари кузатилади. Тил ва нутққа оид ушбу бирликларни ҳар томонлама ўрганиш уларнинг барча таркибий қисмларини тўлалигича таҳлил қилишни тақозо этади.

Мақоллар иборалардан фарқли ўлароқ, тузилмавий жihatдан тугалланган жумла сифатида зоҳирланиши билан бирга, объектив воқеликни ифодалаш билан чекланиб қолмайди ва субъектив маъноларни ифодалаш хусусиятига ҳам эга бўлади. Атрофдагиларга таълим - тарбия ва кўрсатмалар бериш, суҳбатдошнинг хатти - ҳаракати ва хулқини тартибга солиш каби интенция асосида нутқда зоҳирланувчи мақоллар ахлоқийлик жihatлари билан ҳам хусусиятланади.

Шу ўринда, мақолларга хос бўлган умумий тарбиявий жihatдан таъсир ўтказувчи мақсадда зоҳирланадиган императив мақолларга эътибор қаратиш ўринли. Императив семантикага эга бўлган мақоллар буйруқ маънода воқеланиши билан алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, тингловчининг ҳаракат йўналишини белгилаш ва унинг ҳиссий ҳолатларига фаол таъсир ўтказиш билан характерланадиган директив нутқий актини тушунарли ва содда тилида зоҳирлантирувчи восита сифатида ҳам хусусиятланади.

Шунингдек, бу турдаги мақоллар эксплицит тарзда ифодаланган императив нутқнинг хушмуомалалик стереотипи сифатида ҳам қўлланилади ва бу ҳолатда буйруқ оҳанги юмшатилади.

Мулоқотдошни ҳаракат ижросини амалга оширишга ундашда сўзловчи тингловчига маълум лингвистик таъсир кўрсатишни мақсад қилади ва бунда

иллокутив куч тингловчи томонидан муаммоларсиз қабул қилинади [Беляйева, 1992, 25].

Бундай конструкцияларда нутқ қаратилган шахс гап эгаси, яъни ҳаракт ижросини бажарувчи шахс сифатида номи тилга олинмиб кўрсатилмайди. Тилга олинган мақол мулоқот муҳити ва мавзусига мослиги билан ҳаракатга ундалаётган шахс тингловчи эканлигига ишора қилади. Бундай вазиятларда нутқда эганинг мавҳумлиги, яъни мақол таркибида адресатнинг позицион мавжуд эмаслиги мулоқотдошлараро англашилмовчиликларга сабаб бўла олмайди:

Ўзбек тилида: *Умидингни узма, кўнглингни бузма.* (299)

Япон тилида: *悪に強ければ善にも強し。*

*Ёмонликка кучли бўлсанг, яхшиликка ҳам кучлисан.*

Антропоцентрик мақоллар манбасига мурожаат қиладиган бўлсак, ҳайвонлар ва нарсалар номи воситасида инсон ҳарактерига ишора қилувчи ва инсоний хусусиятларни назарда тутувчи катта миқдордаги паремияларни учратиш мумкин. Бундай мақоллар жонли ёки жонсиз объектнинг ёнма - ён келиши билан тавсифланиб, таққослашда таъкидланган ўхшаш хусусиятлар одатда одам ёки ҳайвонга тегишли бўлса, таққосланадиган жиҳат эса одатда шахс бўлмаган ёки жонсиз нарса шаклида акс эттирилиши мумкин

Паремияларда ҳайвонлар образи воситасида инсоний хусусиятларни ёритиш алоҳида рамзий маънога эга бўлиб, улар ушбу халқнинг ўзига хос бўлган фалсафий ғояларини жамиятга йетказишда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳайвонлар номи асосида зоҳирланган ўзбек тилидаги паремиялар, одатда, ҳайвонларга хос табиат ва характерга хос бўлган табиий хусусиятлар асосида воқеланади ва ўша халқ менталитети ва фалсафасини акс эттирувчи кўзгу вазифасини бажаради.

Қуйида зооним компонентли ўзбек мақолларини таҳлилга тортамыз. Улар зоҳиран дарак гапдан бошқа нарсадек кўринмаса - да, ботинан мулоқотдошни ҳаракатга ундовчи нутқий акт сифатида мулоқот матнида фаоллашади:

1. *Тойни той деб хўрлама, эрта - индин от бўлар.*
2. *Чўпон бўлсанг, қўйни боқ, мойи тошсин чорадан.  
Ит боққанда сиртлон боқ, қўй олдирмас қўрадан.*
3. *Бедана тезотар бўлса, ўз бошини ўзи ер.*

Равшанки, юқорида таҳлилга тортилган мақоллар рамзий маънода воқеланган бўилб, нутқ интенциясида персоналлаштирилган ҳаракатлар назарда тутилади. Бу турдаги паремияларда зооним компонентлар ушбу мазмунни очиб бериш учун фаоллашади.

Дарҳақиқат, мақоллар маъно кўчиришининг маълум бир йўналишини очиб беради, яъни уларда мураккаблик соддалик билан тушунтирилса, маълум маълумотлар орқали номаълум жиҳатлар очиб берилади [Крикман, 1975, 20] .

Ҳайвонлар япон маданияти ва анъаналарида алоҳида муҳим рол ўйнагани сабабли ушбу халқ мақолларида зооним конпонетлар фаол иштирок этган ҳолатларни тез-тез учратиш мумкин. Асосан, от ва мушук каби уй ҳайвонлари ёки маймун каби фақат қадимги даврдан япон халқига таниш бўлган ҳайвонлар ҳамда кушлар иштирокидаги паремиялар кенг тарқалган.

Коала, делфин ёки зебра каби қадимдан жамият ва инсон турмуш тарзида фаол бўлмаган ҳайвонар номларига паремияларда деярли мурожаат қилинмайди. Инсонлар билан яқин муносабатда бўлган ҳайвон турларини аналогия сифатида қўллаш эса қийинчик туғдирмайди. Масалан:

1. *馬には乗ってみよ人には添うてみよ。*

*Отга миниб кўр, одамга эргашиб.*

2. *犬は三日飼えば三年恩を忘れず。*

*Агар итни уч кун боқсанг, у бу меҳрни уч йил унутмайди.*

Бинобарин, японлар томонидан табиат мўжизаси сифатида ардокланадиган кўпгина ҳайвонлар ушбу халқ маданиятида рамзий маънога эга бўиб, уларнинг хатти - ҳаракати ёки хусусиятлари орқали инсон вужудида ҳаётий тажриба, сабоқ ва донолик ҳамда эзгулик туйғуларни шакллантиришга ундовчи восита сифатида қабул қилинади.

Умуман олганда, мақолларда ҳайвонлар номидан фойдаланиш мураккаб тушунчалар ҳамда халқ доноликларини конкрет тасвирлар орқали ойдинлаштиришга ёрдам бериши шубҳасиз. Шунингдек, бу турдаги мақоллар мулоқотдошни маълум бир ҳаракат ижросига ундаш ёки, аксинча, айрим иллатлардан йироқлашишга даъват этувчи императив мазмундаги нутқнинг энг оммапоп ва самарали стереотипларидан дейишимиз мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Беляева Е. И. Грамматика и прагматика побуждение. ВГУ, 1992.
2. Крикман А. А. Некоторые аспекты семантической неопределённости пословиц. - М., 1978.
3. Алпатов В. М. Япония. Язык и общество. - М.: Наука, 1988.
4. Тўра Мирзаев, Асқар Мусоқулов, Баходир Саримсоқов. Ўзбек халқ мақоллари. - Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа аксиядорлик корпорацияси Бош таҳририяти, 2005.
5. Мацуги Шигеру (松木茂) 「ミニことわざ辞典」東京：1993.
6. Ории Эйжи (折井英治) 「暮らしの中のことわざ辞典」東京：1962.